201 A Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK


# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН! 28 йил

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2019-yil 18-iyul, payshanba 48 (9015)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz


## ЁШ ФЕРМЕРЛАР ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ЎҚИТИЛДИ

***Пойтахтимизда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди томонидан Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши, "Агробанк", "Халқ банки" ва "Микрокредитбанк" АТБларининг ходимларини тренерликка тайёрлаш бўйича ўтказилган семинарнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.***



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Жорий йилнинг 7 май куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашида Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди, Ёшлар иттифоқи ва бир қатор банклар ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишуви имзоланган эди. Келишувга кўра, германиялик мутахассислар томонидан ушбу мутасадди ташкилотлар ходимлари тренер сифатида ўқитилиши белгиланган. Жорий йилнинг 9-17 июль кунларида 25 нафар иштирокчи илғор мутахассислар – Наташа Мундингер ва Биргит Фламма томонидан ўқитилди.

Ўқиш жараёнида иштирокчиларга турли хил бизнес ўйинлар орқали уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, жамғариш (Омонат) ҳамда кредитнинг афзаллик ва камчиликлари, банк ва истеъмолчи ўртасидаги алоқаларда Германия тажрибаси, бюджетни режалаштириш, тадбиркорлик ёки фермерлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшлар, ёш фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари ҳаётида банкнинг ўрни ҳамда кредитдан тўғри ва мақсадли фойдаланиш тартиблари амалий мисоллар ёрдамида ўргатилди.

Семинар якунида халқаро экспертлар, лойиҳа координаторлари, бир гуруҳ Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши аъзолари, банк ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Машғулотлар давомида фаол қатнашган ва яхши ўзлаштирган иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Шунингдек, келишувнинг иккинчи босқичига асосан, 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган Тошкент вилоятининг Ёшлар марказида Жамғарма кассалари фонди томонидан "Ёш фермерлар инновацион маркази" ҳам ўз фаолиятини бошлади. Бу каби марказлар яқин кунларда Жиззах, Самарқанд вилоятларида кейинчалик эса мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилиши режалаштирилган.

**Гулноза БОБОЕВА,**
**Ўза мухбири.**

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 17 июль куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Афғонистон ҳукуматлараро комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.***

**Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, энергетика, нефть-газ, божхона, транспорт ва транспорт коммуникациялари, темир йўл, авиаташув, машинасозлик, электр техникаси, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика соҳаларида фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, компаниялар, ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.**

Комиссия ҳамраислари – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси, "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Нодир Отажонов ва Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг катта маслаҳатчиси, молия вазири Муҳаммад Ҳумоюн Қаюмий мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон бугунги кунда Афғонистондаги қурилиш, энергетика, тоғ-кон саноати ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. Мамлакатимизнинг ёрдами билан Афғонистонда кўприклар, юқори вольтли электр линиялари, оптик-толали кабель линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилди. Ҳайратондан Мозори-Шарифгача темир йўл линияси қурилди. "Сурхон – Пули – Хумри" электр узатиш линиясининг қурилиши бўйича келишувлар икки мамлакат ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очди. Навбатдаги қўшма лойиҳа Мозори-Шариф – Шибирғон – Маймана – Ҳирот темир йўлини биргаликда барпо этишдир.

Мамлакатимиздан Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавотлар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилинмоқда. Ўзбекистонда афғонистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда иш юритмоқда.

Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг катта маслаҳатчиси, комиссия ҳамраиси Муҳаммад Ҳумоюн Қаюмий иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар кўп эканини таъкидлади. Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун амалий чора-тадбирлар кўрилиб, темир йўл, транзит ва бошқа тўловлар тариф нархларининг туширилаётгани ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли ошириш учун янада қулай шароит яратаётгани қайд этилди.

– Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификациялаш ва саноатни модернизациялашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар эътиборга молик, – деди Муҳаммад Ҳумоюн Қаюмий. – Комиссия мажлиси икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама этиш учун қулай имконият бўлди. Ўзбекистон билан савдо, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникациялар каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Афғонистонга яқинда амалга оширган ташрифи чоғида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, Афғонистонда етиштирилаётган пахта хомашёсини сертификатлаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича кадрларни тайёрлаш, пестицидларни етказиб бериш, қишлоқ хўжалигини механизациялашга ёрдам кўрсатиш ва тажриба алмашишларни ташкил этишга доир келишувларга эришилган эди.

Мажлисда олий даражадаги учрашувлар, шунингдек, турли мақомдаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари чоғида эришилган келишувларни самарали рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, кенг кўламли савдо-иқтисодий, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистон делегацияси Ўзбекистондаги янги иқтисодий сиёсат самараси, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш учун яратилаётган шароит, юртимизнинг экспорт салоҳияти, индустриал зоналардаги имкониятлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш масалалари ҳақида сўз юритилди. Энергетика, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, металлургия, машинасозлик, таълим ва бошқа қатор соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, Афғонистонга электр, маиший, қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналарини экспорт қилиш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги истиқболли вазифалар кўриб чиқилди.

Афғонистон делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон – Афғонистон давлат ва хусусий секторлари вакиллари мулоқотининг иккинчи давраси, қўшма бизнес-форум ва ихтисослаштирилган кўргазма ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда Афғонистон расмий ва бизнес доираларининг юздан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Хусусан, "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида ташкил этилган кўргазма саноатнинг турли тармоқларида, шунингдек, тиббиёт, фармацевтика соҳаларида ўзаро манфаатли келишувларга эришиш имконини берди. У мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган юқори сифатли маҳсулотларни Афғонистон бозорига етказиб бериш, ҳамкор мамлакат иқтисодиётини тиклашга қаратилган қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш учун ҳам қулай платформа вазифасини ўтади.

Афғонистон делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, турли вазирлик ва идораларда ташкил этилган музокараларда иштирок этди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ҳаётбахш лойиҳаларнинг изчил ижроси

### улар илм ва инновация асосида амалга оширилмоқда

***Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар, йирик лойиҳалар ҳамда бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида воҳага ташрифлари чоғида барча соҳалар қатори 2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилиши кўзда тутилаётган кўплаб лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратган эдилар.***

Ушбу даврда жами 366 та лойиҳа ижроси таъминланиб, 15 мингга яқин янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Уларнинг аксарияти озиқ-овқат саноати тизимини жадал ривожлантиришга қаратилган бўлиб, асосан, мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаб, экспорт ҳажмини оширишга йўналтирилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Президентимиз бу борада айниқса, "Soldnum agro" кўп тармоқли уруғчилик агросаноат кластери маҳсулотлари намуналари билан танишиб, мажмуа фаолиятига ижобий баҳо бердилар. Асосан, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, соя ва дуккакли экинлар ҳосилини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда уруғчиликка ихтисослашган кластерга вилоят туманларидан жами 4,5 минг гектар ер ажратилган. Бўстонлиқ туманида корхонага қарашли 30 минг, Зангиота туманида эса 10 минг тонналик совутгичлар, йирик ҳажмдаги сабзавот сақлаш омборлари бор. Ҳозирда дала ва корхона шохобчаларида 500 дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Йилига 14 тонна картошка фриси, 4 минг 400 тонна картошка кукуни тайёрланади. Жами 5 минг тонна қадоқланган маҳсулот экспорт қилинади. Кластер тасарруфида 200 дан зиёд юқори унумли хорижий техникаларнинг мавжудлиги йўналиш бўйича белгиланган маҳсулотларни етиштиришда ҳар жиҳатдан қўл келмоқда. Алмашлаб экиш ва уруғчилик бўйича эришилаётган ютуқлар Республика бўйича ижобий натижа сифатида алоҳида эътироф этилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Жиззах вилояти

***Биз мактаб, мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари билан танишиш мақсадида Ойқор тоғларининг бағрида гўзалликка бурканган Бахмал туманига йўл олдик. Ғаллаоролдан Ўсмат йўлига чиқишимиз биланоқ осмонни булут қоплаб, шитирлаганича ёмғир ёға бошлади. Ортимизда ёзнинг қоқ чилласи – саратон, олдимизда эса яшилликка йўғрилган кўклам. Во-о, ажаб-о! Табиатнинг кароматини қаранг, Аллоҳ бизларга шундайин жаннатмонанд диёрни ҳадя этганки, юртимизнинг тўрт тарафида тўрт фаслни учратасиз. Яратганга шукроналар бўлсин!***

## Бахмал бағридаги бунёдкорликлар

Қир-адирларни кезиб борарканмиз, табиатнинг гўзаллигига мафтун бўлиб Бахмал тумани маркази Ўсмат шаҳрига ҳам келиб қолибмиз. Шаҳарга кираверишдаги пастқам, эски уй-жойлар, дўконлар бузилиб, йўллар кенгайиб, замонавий лойиҳалар асосида дўконлар, маиший хизмат уйлари қад ростламоқда. Ён-атрофни эскиликдан фориғ қилаётган техникаларнинг саноғи йўқ. Бизни туман ҳокимлиги биноси қаршисида қурилиш бўлими бош мутахассиси Муроджон илиқ кутиб олди. Дастлаб, "Илғор марказ" давлат дастурига тушган Ўсмат шаҳрининг яқин кунлар ичида том маънода замонавий шаҳарчага айланиши бўйича бош лойиҳаси билан таништирди. Сўнгра ижтимоий иншоотлар қурилишини кўздан кечириш мақсадида янгидан қурилаётган 7-сонли мактабгача таълим муассасаси томон йўл олдик. Умумий қиймати 2 миллиард 666 миллион сўмга белгиланган мазкур МТМнинг қурилиш-монтаж ишларини "Хумоқурилишсервис" МЧЖ жамоаси қурувчилари амалга ошираётган экан. Қурилиш раҳбари Улуғбек Қобилов бажарилаётган ишлар билан муфассал таништирди.

– Қурилиш-монтаж ишлари бир маромда кетяпти. Мақсадимиз, Мустақиллик байрамига болажонларимизга тўёна сифатида топшириш, – дейди у.

Осмон бироз очилгандек эди. Яна қовоғини солиб, булут қоплай бошлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари билан танишиш мақсадида қурилиш штабига кирдик. Штабда Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжениринг компанияси" ДУК Жиззах вилояти филиали раҳбари Бобур Раҳмонбердиев билан учрашдик. У дастурга тушган мавжуд мактабгача таълим муассасалари қурилиши хусусида қисқача маълумот берди.

– Тўғриси, қурилишларимизга техник назоратчи ёки архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси аралашуви ҳам керак бўлмаяпти, – дея жилмайди Бобур ака бизга юзланиб. – Маҳалла оқсоқоллари ниҳоятда ҳамжиҳат экан. Ҳар куни келишиб, қурилиш ишларини назорат қилишмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё вилояти

## Сайҳунободда бир кун

### САВОБ ИШНИНГ САОДАТИ

Вилоят ҳокимлигидан ҳар ким ўзига белгиланган корхона вакили билан бирга тарқалишдик. Биз "Оқолтиндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти томон йўл олдик.

– Онахон, насибали экансиз, соат 12 да корхонамизда худойи қилаётгандик, етиб борамиз, – деди Жаҳонгир, ўзини корхона раиси ўринбосари, дея таништираркан. Ораси 20 километр. Машина елиб бормоқда. Атрофни кузатаман, чиройли, кўркам уйлар, йўл чеккаларида кўм-кўк дарахтлар, турли рангдаги гуллар кўзни қамаштиради. Хаёлан 1970 йилларда Ёзувчилар уюшмасидан Эркин Воҳидов, Сайёр Пўлат, Соҳиба Ирисхўжаева, Азиз Абдураззоқ ва яна кўплаб ижодкорлар билан шу ерларга қилган сафаримизни эслайман. Ўша пайтда Мирзачўлни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатган Яйра Саъдуллаева бизни кутиб олгани ва атроф-манзара кўз олдимга келади, қамишзорлар, ботқоқлик, омонат қурилган капа уйлар...

Энди бўлса бутунлай бошқача! Инсон қўли гул эканига яна бир карра дилда ишонч пайдо бўлади. Корхонага яқинлашганимиз сари атроф яна ҳам кўркамлашиб кетди. Яшиллик ва гулу гулзордан ташқари бу ердаги озодалик ҳам дилга қувонч бахш этади. Дарвозадан юз метрча берида йўлни очиб ёпадиган шлагбаум. Дон ортилган машиналар. Ўнг тарафда енгил машиналар турар жойи. Дарвозанинг чап тарафида ҳордиқ чиқариш учун махсус айвон ҳамда стол-стуллар. Оралиқда эса яна кўзни қамаштиргувчи гуллар, райҳонлар барқ уриб турибди.

Жаҳонгир айтганидек, 12 га етиб келдик. Дарвозадан ичкари кирганимизда ишчилар катта емакхонага тўпланишаётганди. Улар билан саломлашиб, бир-бир разм солган бўлдим. Барчаларининг чеҳрасида яхши кайфият, ўтаётган кундан мамнунлик ифодаси.

– Кадрлар бўлими бошлиғи Эътибор опа, – деб таништирди эшик олдида турган истарали, қорачадан келган аёлни Жаҳонгир. Учинчи қаватга кўтарилдик. Ташқаридан домланинг қироат билан ўқиган тиловати эшитилиб турди. Бир пиёла чой устида суҳбатимиз қизиб кетди.

– Ош жуда ширин бўлибди, ким дамлаган, – сўрайман Эътиборхондан.

– Ўзимизнинг ошпаз. Бизда бунақа худойилар тез-тез ўтказиб турилади. Айниқса, раисимиз Шавкат Жуманович савоб ишни канда қилмайдилар. Уларнинг "орамизда муҳтожлар бўлмаслиги керак, чунки биз барака ичида, оллоҳ сийлаган жойда ишлаймиз", деган шиорлари бор.

Келишимдан мақсад, давр қаҳрамони ҳақида ёзиш эканлигини айтдим. Эътиборхон яна фахр билан сўзлай кетди:

– Шу раисимиз ҳақида ёзинг. Бунақанги ғамхўр, илмли, маърифатли одам камдан-кам топилади. Шу соҳада қарийб 30 йилдан буён меҳнат қиламан. Фаолиятим давомида Шавкат Жумановичдек ҳар томонлама мукаммал, ўз навбатида камтар раҳбарни учратмаганман.

Унинг гаплари чиндан ҳам менда катта қизиқиш уйғотди. Корхона фаолияти ва ишчилар ҳаёти билан танишишга киришдим.

Корхона ҳақида озми-кўпми тасаввур ҳосил қилгач, ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш мақсадида ташқарига чиқдим. Дон ортилган машиналар бирин-кетин дарвоза олдида тўхтаяпти, сифатини текширишга намуна олингач, тўғри тарозидан ўтмоқда. Сўнгра хирмон майдони томон боришяпти. Сифатига қараб белгиланган биринчи, 2, 3 хирмонларда ишчиларнинг қўли-қўлига тегмай буғдойни тўплаб, хирмон кўтаришмоқда. Унга яқинлашиб, қўлимга бир сиқим буғдой олдим. Димоғимга нон иси келди. Буғдойга тикиламан. Унда деҳқон қилган машаққатли меҳнат, ҳосил етилгунга қадар ўтказилган гоҳ хавотирли, гоҳ умидли кунлар ёдимга келади.

(Давоми 2-саҳифада)

Андижон вилояти

"Сувни тежайдиган технологияларнинг афзалликлари" танловига!

# Ҳар қатраси зарга айлансин!

***Табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш сувни ишлатишдаги хато ва камчиликларимиз оқибатида Марказий Осиё иқлимида барометр ҳисобланган Орол денгизи саҳрога айланди, қолди. Янги ўзлаштирилган ерларда ер ости сувларининг кўтарилиши ва уни бартараф этилиши учун давлат бюджетидан беҳисоб маблағлар ажратилиши ҳам мамлакатимиз тараққиётига жиддий тўғоноқ бўла бошлади.***



Қўрғонтепа туманидаги кўп тармоқли "Оқ сув" фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов ўз вақтида республикамиздаги йирик давлат хўжаликларидан бири бўлган "Савай"га раҳбар бўлгач, техник қуролланиш бўйича эришилган натижаларни янада бойитиш мақсадида ғўзани томчилатиб суғориш усулида парвариш қилишга интилди. У томонидан тайёрланган бир қатор лойиҳалар Тошкентда ва Москвада йиллар давомида ўрганиб чиқилгач, Исроил усулида минг гектар майдонда тажриба тарзида технологияни жорий этишга рухсат берилган эди. Ўтган асрнинг 90-йилида беш юз гектар майдондаги ғўза томчилатиб суғорилди, сув сарфи тенгма-тенгга қисқарди. Ўғитларни сув билан бирга бериш ортидан унинг самарадорлиги етмиш фоизгача кўтарилди. Қатор ораларига ишлов беришда ҳам енгиллик юзага келган эди. Янгилик бесамар кетмади. Олди майдонларда гектарига олтмиш центнергача пахта хом-ашёси териб олинганди.

Афсус, ушбу янгилик ўз вақтида қўллаб-қувватланмаганлиги оқибатида давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган йирик лойиҳа барбод бўлди. Ёмғирлатиб суғориш усули ҳам айнан эртани кўролмаслик оқибатида деҳқончиликда ўз ўрнини топмади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 декабрдаги "Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори жамиятимизда сувга нисбатан янгича қарашларни юзага чиқаришга йўл очди.

2019 йил деҳқончилигидан бошлаб узоқ муддатга мўлжалланган давлат дастури асосида республикамизнинг барча ҳудудларида томчилатиб суғориш усулини босқичма-босқич жорий этишга қадам ташланди. Андижонда ҳам янгиликни тарғиб этиш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилиб, томчилатиб суғориш усули берадиган натижалар иқтисодий манфаатдорлик жиҳатидан кўриб чиқилди.

Асака туманидаги "Камалак рангли боғлар" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳмаджон Аҳмедов сув танқислиги боис эътибордан четда қолган адирда мева, сабзавот ва полиз экинлари парваришида томчилатиб суғориш усулини 2018 йилда 10 гектарда, жорий мавсумда эса 70 гектар майдонда қўлламоқда. Олинган ва кутилаётган натижалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Иқтисодий самарадорлиги шу қадар юқорики, тарвуз-қовун етиштириш анъанавий усулга нисбатан 2-3 баробарга кўтарилганлиги фикримизнинг исботи бўлади.

Томорқа хўжаликлари билан ишлашда Андижон мактабини яратган Расулжон Иброҳимов иссиқхоналарда айнан томчилатиб суғориш усулини қўллашга биринчилардан бўлиб киришган эди. Бугун иссиқхоналар тармоғи бўйича мамлакатда олдинги ўринларда турган вилоятда томчилатиб суғориш усулини жорий этиш даражаси тўқсон фоиздан ортиб кетди.

Андижон туманидаги Ҳакон қишлоғида тажрибали сабзавоткор Рўзивой Режабалиев ўзининг деҳқон хўжалигида оз эмас, 50 сотих иссиқхонасида бу усулни қўллаш орқали минерал ўғитлар харажатини кескин камайтиришга эришди. Маҳсулот таннархининг арзонлашуви баробарида ердан фойдаланиш самарадорлиги ўттиз фоизга кўтарилди. Эгат олишдан халос бўлиш орқали кўчатлар оралиғига кўк пиёз, кашнич, укроп ва бошқа резавор экинлар экиш қоида тусини олди. Томорқа эгалари фойда кўришганки, ҳеч қандай ташвиқотсиз иссиқхоналарида томчилатиб суғориш усулини жорий этмоқда.

Хўш, давлатимиз раҳбари қабул қилган қарор ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ташаббускор фермерлардан 14 нафари янгиликни ўз далаларида жорий этишга аҳд қилишди. Қарорда қайд этилганидек, банклар томонидан кредит ажратиш, пудратчи ташкилотлар таклифларини таҳлил этиш, давлат томонидан молиялаштириладиган қисми бўйича тушунчалар бериш узвий тарзда олиб борилди. Натижада 361 гектар майдонда томчилатиб суғориш усули қўлланилмоқда. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий Лойиҳаси" кўмагида олиб борилаётган кенг кўламдаги тарғиботлар ҳам томчилатиб суғориш усулининг эртасини белгилашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож чорваси" фермер хўжалигида 83 гектар ғўза майдонида янги усул рўёбга чиқарилмоқда. Бир миллиард бир юз етмиш тўққиз миллион сўмлик мазкур лойиҳа "Агробанк" томонидан молиялаштирилди. "Agrodrip" корхонаси томонидан эса технологик жиҳоз ва шланглар экиш схемасига қараб жойлаштирилди. Айтиш жоизки, тажриба бошланган далада чигит вилоятда энг охирги паллада экилган эди. Андижон – Наманган магистрал йўли бўйида жойлашган ғўза майдони кўпчиликнинг диққат-эътиборида турибди.

Апрель ойининг охирида экилган уруғ шундай бақувват кўчат бердики, бугун ўша дала март ойининг бошида экилган ғўзага нисбатан бўй басти, ҳосил тугунчалари яратиши, кўсак олиши бўйича олдинги ўринда турибди. Экиш усули "Оқ сув" технологиясига мансуб бўлиб, кўчатлар сони жиҳатидан ҳам ажралиб туради.

Қўрғонтепа туманидаги "Khan tex group" кластери томонида ҳам 82 гектар ерда Исроил давлатидаги "Netafim" компанияси технологияси жорий этилди. Тупроққа сочилган гербицид бегона ўтларнинг йўлига ғов солди. Кластер таъсисчиси Зокиржон Набиевнинг сўзларига қараганда, айни томчилатиб суғориш орқали ҳосил таннархининг арзонлашуви юз бермоқда. Шу боис, мазкур кластерда келгуси йилда томчилатиб суғориш усулини минг гектар ерда татбиқ этиш бўйича режа ишлаб чиқилмоқда.

Юқорида келтирилган қарорда янгиликни жорий этишга келишган фермер хўжаликларига молиявий кўмак кўрсатиш ҳам ўз ифодасини топган. Яъни, ҳар гектар ерга давлат бюджети томонида 8 миллион сўмдан субсидия ажратилади.

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Шермат Нурматов билан Алижон Аҳмедов ҳузурида бўлганимизда ўзаро мулоқот деҳқончилик билан боғлиқ тарзда ўтди. Фермернинг билдиришича, бир гектар майдонда янгиликни жорий этиш учун 18 миллион сўм харажат қилинди. Шундан 8 миллион сўмини давлат ўз гарданига олди. Бу хайрли иш фермернинг даромадига даромад қўшади.

– Айтайлик, ғўза қатор ораларига камида 10 бор техника кириши маълум, – дейди Алижон Аҳмедов. Биз вегетацияга қадар 2 бор чуқур культивация қилдик, қолган 8 тасининг харажати йўқ ҳисоби. Демак, харажат ўз-ўзидан камайди.

Энг кучли тупроқда ғўза минерал ўғитларнинг нари борса 35 фоизгача ўзлаштирилиши исботланган. Томчилатиб суғоришда ўғитнинг сувга аралаштирилиб берилиши туфайли ўсимликнинг ўзлаштирилиши 70 фоизга кўтарилади. Натижада, ҳосилдорликнинг тенгма-тенг кўпайиши учун асос яратилади.

"Оқ сув"да, икки гектар ерда Алижон Аҳмедов ва унинг мутахассислари иштирокида яратилган технология асосида томчилатиб суғориш усулида ғўза парвариш қилинмоқда. Ғўзанинг бўй-басти, шохлаши, ҳосил олиши ўта тезкор бормоқда. Хоҳ гулни, хоҳ кўсакни сананг, ўртача ҳисоб-китоб юритинг, ҳосилдорлик 60 центнернинг устида бўлишига ишонч ҳосил қиласиз. Рақобат деган сўз тилимиздан тушмаётган бир паллада "Оқ сув"да юзага келган маҳаллий технологиянинг барча жиҳатларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Республикамиздаги манфаатдор вазирликлар "Оқ сув"да парвариш қилинаётган икки гектарлик далада ғўза парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларни ипидан игнасигача тадқиқ қилишлари орқали деҳқонга қанчалик наф беришини ойдинлаштиришлари янгиликка бўлган қизиқишнинг ортишига хизмат қилса, ажаб эмас.

– Биз ўтган йили картошкачилик йўналишида тажриба ўрганиш учун Францияга бордик, – дейди Жалақудуқ туманидаги "Тоҳиржонов Умиджон даласи" фермер хўжалиги бошқарувчиси Нурмуҳаммад Мамасолиев. – Сафаримиз давомида кўплаб ҳудудларда бўлдик ва бирорта далада на ўқ ариқ, на эгат кўрдик. Юз гектарлик майдондаги картошка экини томчилатиб суғориш усулида парвариш қилинаётганлигини ўргандик. Ўзимизни кўп нарсани биламиз, деб ҳисоблардик. Аксинча, билмас эканмиз. Давлатимиз раҳбари томонидан томчилатиб суғориш усулини жорий этишга бўлган эътибор энди барчамизни уйғотиши керак. Францияда тупроқ ости ва устидан томчилатиб суғориш усули бирдек ривож топган. Маҳсулот таннархи биздан анча арзон. Бизда эса харажат устига харажат. Бошдан дўппини олиб ўйлайверишдан кўра, белни боғлаб ишга киришадиган вақт келди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган вилояти



## Томчилатиб суғориш технологияси –
## ҲАМ ВАҚТИНГИЗНИ, ҲАМ НАҚДИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ

***Юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларга дунё бозорида талаб юқори. Шундай экан, бу борада янада юқори кўрсаткичларга эришиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган майдонлар ҳажмини кўпайтириш мумкинми?***

Албатта! Бунинг учун сув таъминотидаги муаммолар сабаб фойдаланилмай ётган лалми, дашт, адирлардан янада самарали ва унумли фойдаланишни йўлга қўйиш керак. Аниқроғи, қишлоқ хўжалиги соҳасига сувни тежайдиган технологияларни тезкорлик билан жорий қилиш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш зарур. Бу ҳақда яқинда, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси" асосида Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ўтказилган республика ўқув амалий семинарида ҳам гап борди. Илғор тажрибалар оммалаштирилди. Бу борада Наманган вилоятида ҳам дастлабки қадамлар қўйилаётгани ва ўзининг ижобий самараларини бераётгани эътироф этилди.

**Фахриддин ШАРИПОВ, "Норин-Сирдарё" ирригация тизмлар ҳавза бошқармаси бошлиғи:**

– Мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, қисқа давр ичида Наманганда ҳам мавжуд ирригация тизмлари, лотокли суғориш тармоқлари, гидротехник иншоотлар, насос станциялари, сув омборлари реконструкция қилинди ва янгитдан барпо этилди, суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ер ости сувларининг барқарорлиги таъминланишига ва меъёрида ушлаб турилишига эришилди.

Айниқса, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишга бел боғлаган кластер ва фермер хўжаликларига имтиёз ва субсидияларнинг жорий этилиши катта имкониятлар эшигини очиб берди. Бир вақтнинг ўзида соҳага мутасадди бўлган жамоамизга ҳам катта масъулият юклади. Жорий йилда вилоят ҳокимлигида соҳага дахлдор ташкилотлар билан бамаслаҳат 156 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимни йўлга қўйиш бўйича режа-дастур ишлаб чиқилди. Фермер хўжаликларининг қизиқиш ва талабларидан келиб чиқиб унинг кўлами 310 гектарга етказилди. Мингбулоқ, Наманган, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Чуст туманларида фаолият кўрсатаётган 12 та фермер хўжалиги қатор хорижий корхоналар билан томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш технологияларини ишга тушириб бериш борасида 5331,0 млн. сўмлик шартномалар имзолади. Қисқа фурсат ичида хорижлик мутахассислар томонидан бир неча фермер хўжаликлари далаларига хорижнинг замонавий томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Қатор хўжаликларда қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда. Вилоят миқёсида ташкил этилган амалий семинарлар, тарғибот ишларининг натижаси боис, томчилатиб суғориш технологияларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга кўмаклашувчи вилоят ва туман ишчи гуруҳлари томонидан 2020 йилда ва келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

**Нурмирза ҲОЖИЕВ, "Норин-Сирдарё" ИТҲБнинг инвестицияларни жалб этиш ва инновацион технологияларни жорий қилиш бўлими бошлиғи:**

– Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида сув ресурсларидан фойдаланиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш мавзусида ташкил этилган ўқув амалий семинарларда иштирок этиб қайтдим. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев, вазир маслаҳатчиси, шу соҳа ривожига катта ҳисса қўшган меҳнат фахрийси Исмоил Жўрабеков томонидан берилган тавсия ва топшириқларнинг долзарблигини қалбдан ҳис этдик. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги "Агровер" МЧЖ, Сирдарё туманидаги "Peng Sheng" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "SIL VERLEAFE BMB AGRO TRADE GROUP" кластер ва "Яз Бекзод" фермер хўжаликларида ўрганса, амалга татбиқ этса, арзигулик ишлар билан яқиндан танишдик. Хорижлик ва мамлакатимизнинг таниқли олим ва мутахассисларининг маърузаларини тингладик. Айни кунларда ўрганганларимизни вилоят миқёсида тарғиб қилиш, қўлланмаларни тайёрлаш, тарқатиш, ижобий натижаларга эришиш борасида муайян ишларни олиб боряпмиз.

**Раҳимжон БОБОМИРЗАЕВ, "Эргашбой ота"фермер хўжалиги раҳбари:**

– Бу йил 53 гектар майдондаги ғаллазордан 60 центнердан ошириб хирмон кўтардик. Ғаллачиликнинг ўзидан 330 миллион сўмдан ортиқроқ даромад қилишга эришдик. Тасарруфимиздаги ерлар паст-баландликлардан иборат бўлгани боис суғоришда қийинчиликларга дуч келамиз. Сув тақчиллигига барҳам бериш, дунё миқёсидаги илғор технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мақсадида 23 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш юзасидан Туркия корхонаси билан 42 минг долларга шартнома тузгандик. Айни пайтда дала шийпонидан туриб автоматлаштирилган тугмачаларни босиб, сув қуяяпмиз. Илгаригидек, ўқариқ олиш, кунда кесиш, дахана бошига қоғозлар тўшаш, сув уриб кетган эгатларни тўғрилаш, туну кун фонар кўтариб ариқ, дала ёқалашга ҳожат қолмади. Махсус агрегатга керакли минерал ўғит ва зараркунандаларга қарши воситаларни солиб, тугмани боссангиз бас. Даланинг сув чиқмайдиган жойларида ҳам обиҳаёт бир маромда томчилай бошлайди. Ер бу усулда суғорилганида қатқалоқ юзага келмайди. Ғўза қатор ораларига техника билан ишлов бериш, ўғитлаш, ҳар 60 метрга ўқариқ тортиш, кетмон чопиқ ўтказишга ҳожат қолмайди. Томчилатиб суғориладиган далада сув қўллашига йўл қўйилмайди. Паст-баланд ерлар бир хил сувга қонади. Қатқалоқ, ер ёрилиши, илдиз узилиши, шона, гул ташлаши, тошлоқ майдонларнинг деҳқон тили билан айтганда "жизза" бўлишининг олди олинади. Одатдаги суғорилганга нисбатан ҳар гектар ҳисобига сув 50-70 фоизгача, минерал ўғит 40 фоизгача тежаб қолинади. Ишчи кучи, техника билан ишлашда ҳам катта тежамкорлика эришилади. Бу, деҳқонга нафақат мўл-кўл ҳосил етиштириш, қолаверса, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар даражасида фаолият кўрсатиш, вақтида дам олиш имкониятларини ҳам беради, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, томчилатиб суғориш тизими орқали ҳосил етиштириладиган далаларда обиҳаёт 70 фоизгача тежалади. Энди, тасаввур қилинг, ҳар гектар майдонга одатдаги усулда 7000-8000 метр/куб сув сарф бўлади. Кўриб турганингиздек, ўртадаги фарқ жуда катта. Агар ҳар йили шунча миқдордаги обиҳаётнинг дарёларда оқишини таъминласак, қанчадан-қанча сувга ташна бўлиб ётган лалми, дашт, қир-адирлар саховатли заминга айланади. Энг асосийси, Орол денгизининг "оғриғи"га ҳам имкон қадар малҳам топгандек бўлардик.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ суҳбатлашди.**

Фарғона вилояти

**Бағдод туманининг дашт ҳудудидаги "Бузайнаб" кўп тармоқли фермер хўжалигига бордик. Фермер Мақсутали Ҳабибуллаев экин ерларига томчилатиб суғориш усулини жорий қилиб, сувдан тежаб-тергаб фойдаланаётганини айтди. Лекин унга ёндош фермер хўжаликларининг гектарлаб ерларига сув машинада ташилиб, қуйилаётир. Биз буни кўриб, ўйланиб қолдик. Нима учун шундай десак, қўшни Қирғизистондан келаётган сув йўли беркитиб қўйилганини айтишди. Агар машинада бўлса-да, сув ташилмаса, тасаввур қилинг, ўнлаб гектардаги боғлар қуриб қолади.**

# Мавжуд сув ресурслари

## *ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишни талаб этмоқда*

– Водий халқининг жонига халқ ҳашари билан қурилган Катта Фарғона магистрал канали оро кирган эди, – дейди Мақсутали ака. – Ҳозир ҳаммамиз бир қатра сувни ҳам авайлаб ишлатадиган бўлиб қолганмиз. Негаки, мавжуд сув ресурслари, ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишимизни талаб этмоқда. Сўх дарёсидан сув ичадиган бошқа туманларнинг дашт ҳудудларида ҳам аҳвол шунақа. Айрим анҳор бўйларига ахлатларнинг ташлаб кетилганини кўриб, ачинасан киши. Улар сувнинг қадрини билишмайди-да, деган ўй хаёлдан ўтади. Кўпчилик қишлоқ оралаб ўтган зовурларга чойхона чиқитлари, бўшаган елим халталар, баклажкалар, сабзавот пўчоқларини ташлайди. Сал нарида бу сувга муҳтожлар борлигини эса ўйлашмайди. Айримлар шу сувдан ичади, ахир!

"Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассисларидан томчилатиб суғоришга доир маълумот олиш учун келаётсак, Ўзбекистон сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш "Сувчи" жамоат бирлашмаси етакчи мутахассиси Бахтиёр Муҳаммадиевни учратиб қолдик ва мавзу юзасидан гаплашдик. Мен Мақсутали аканинг сўзларини айтдим.

– Шунинг учун ҳам 2017 йил октябридан бошлаб бутун аҳолини экологияни асраш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишдан хабардор этиш бўйича турли хил тадбирлар ўтказиб келяпмиз, – деди у. – Ўтказилган тадбирларимизнинг яхши самара берганига шубҳа йўқ. Бу галги фарғоналик ёшлар билан ўтказган тадбиримиз ҳам жуда жонли ва қизиқарли бўлди. Ёшларнинг экология масаласига бефарқ қарамаётгани уларнинг фикрларидан, баҳс-мунозараларидан билиниб турди. Уларнинг ҳамма ишни катталар ҳал қилсин, деган фикрдан йироқда эканлиги, айниқса, барчани хурсанд қилди.

"Сувчи" жамоат бирлашмасининг ёшлар билан ўтказган тадбиридан кўзланган мақсад, бугунги кунда республикамиздаги экологик ҳолатни, айниқса, ичимлик суви ва суғорма сувларнинг аҳволи, етишмовчилик ва камчиликларни ёшлар онгига етказиш, бу соҳада уларнинг фикрини билиш, хулоса чиқаришдан иборат эди. Ёшлар иттифоқининг туман ва шаҳар бўлимлари вакиллари, етакчилари мутахассисларнинг берган маълумотларини тинглаб, ён дафтарларига қайд қилиб олганларидан кейин билдирган фикрларидан шу нарса маълум бўлдики, ёшларнинг аксарият қисми изланувчан, серҳаракат. Лекин, тан олиш керакки, инсон ва бутун табиат учун энг зарур бўлган сув ва атроф-муҳитни тоза сақлаш масаласида етарли тушунчаларга эга эмас. Шунинг учун ҳам "Сувчи" жамоат бирлашмасининг экологик мутахассиси Алимардон Хўжаев томонидан Орол фожиасининг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этиш учун қилинаётган ишлар ҳақидаги муҳим фикрларнинг ўртага ташланиши ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Улар намойиш этилган видеолавҳалар орқали Оролнинг қуриган ҳудудлари, яъни, сув қочиб кетган тузли, чангли ҳудудларида қандай қилиб ўрмонзорлар барпо этилаётгани, атроф-муҳитни изга тушириш борасида қилинаётган сайъ-ҳаракатлар хусусида кенгроқ тушунчага эга бўлдилар.

Албатта, ҳеч бир саъй-ҳаракат бесамар кетмайди. Ҳозир Фарғонада сувни асраш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида бошланган ишлар ўзининг самарасини бераётир. Масалан, бундан тўрт йил илгари Олтиариқнинг Повулғон даштида бир фермер грант маблағи эвазига 7 гектар ерда томчилатиб суғоришни жорий қилган эди. Энди бир йил ичида 88 гектар ерда шу усул билан суғоришга ўтилди. Вилоят бўйича 331 гектар ердаги экинни инновацион ғоялар асосида томчилатиб суғоришга ўтказиш режалаштирилган. Бугунгача 186 гектар ерга жорий қилинди. Қолганларида иш кетяпти. Бу ишлар кўпроқ сув тақчиллиги кузатиладиган Марказий Фарғона ерларида қўлланиляпти.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Эълон

*Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!*

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига; Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 10 июлдаги 715-сонли буюртманомасига асосан такроран қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда.**

1.Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак туманида жойлашган, умумий майдони 2600,45 кв.метр, қурилиш ости майдони 1462,15 кв.метр, савдо расталари, автотурарғоҳ 3 та литердан иборат, 1 қаватли "Қораўзак деҳқон бозори" мажмуаси. **Бошланғич баҳоси – 5 081 062661 сўм.**

2.Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида жойлашган, умумий майдони 5600,00 кв.метр, қурилиш ости майдони 839,33 кв.метр, савдо расталари, автотурарғоҳ 6 литердан иборат, 1 қаватли "Акманғит деҳқон бозори" мажмуаси. **Бошланғич баҳоси – 2 588 432 765 сўм.**

**Аукцион савдоси 2019 йил 19 июль куни соат 11:00 да** Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар муддатли бўлиб тўлаш шарти билан 5 (беш) банк иш куни ичида сотувчи билан тегишли мулкнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридаги суммани тўлаб бериш ва қолган 85 фоиздан иборат суммани кўпи билан 5 йил муддатга белгиланган жадвал асосида ойма-ой бўлиб-бўлиб тўлаб бериш шарти асосида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади, шунингдек, 2019 йил **19 июль** куни сотилмаган тақдирда 2019 йилнинг 31 декабрига қадар ҳафтанинг ҳар жума куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги ҳ/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

**Лицензия RR-0001.**

